

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ
ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Нематов Жўрабек Нематиллоевич

Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) 3

Nematov Jurabek Nematilloevich

Development of legal bases of the administrative procedures in the Republic of Uzbekistan (comparative-legal analysis) 31

Нематов Журабек Нематиллоевич

Совершенствование правовых основ административных процедур в Республике Узбекистан (сравнительно-правовой анализ) 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works 60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ
ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4. DSc/Yu53 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://dba.uz/uz/avtoreferatlar/>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хусанов Озод Тиллабаевич юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Отахонов Фозилжон Хайдарович юридик фанлар доктори, доцент Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич юридик фанлар доктори, доцент Бердияров Шухрат Намазбаевич юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «13» сентябрь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «22» августда тарқатилди.

(2019 йил «22» августдаги «22» рақамли реестр баённомаси).

Ф. Х. Рахимов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раисининг ўринбосари, юридик фанлар
доктори, доцент

Д. А. Каримов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар номзоди

И. Т. Тультеев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий давлат бошқарувининг энг самарали усуллари жорий этиш, давлат бошқарувини тартибга солишнинг оқилона моделларини ривожлантириш, маъмурий тартиб-таомилларда манфаатдор шахслар фикрини тинглаш механизмини ишлаб чиқиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Европа давлатлари, АҚШ, Япония сингари мамлакатларда фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда ушбу органларнинг ҳисобдорлигини ошириш ва фаолиятини демократлаштиришга, мазкур органлар ва манфаатдор шахсларнинг ўзаро муносабатини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган кенг маънодаги маъмурий-процессуал ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири маъмурий тартиб-таомиллардир.

Жаҳонда маъмурий тартиб-таомилларнинг кўпгина қоидаларига маъмурий қарорларни қабул қилишда иштирок этиш ва шаффофликка (*participation and transparency*), энг тўғри бошқарув қарорларига эришишнинг оқилона йўли, дю процесс (*due process*)ни амалга ошириш тартиби сифатида қаралган. Шу боис маъмурий тартиб-таомилларнинг амал қилиш доирасини кенгайтириш, ушбу тартиб-таомиллар принципларининг татбиқ этилишини такомиллаштириш, манфаатдор шахсни кенгроқ доирада тинглаш, давлат бошқаруви органлари томонидан тартиб-таомилнинг қонунийлиги (легитимлиги) орқали манфаатдор шахслар билан маълум бир иш юзасидан аниқ ечимга келиш, маъмурий тартиб-таомилларнинг барча иштирокчилари муайян ҳолат бўйича маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни белгилаб олиши каби маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан Ҳаракатлар стратегияси асосида «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»¹ деган ғояга асосланган замонавий давлат бошқаруви (*public administration*) жорий этилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга кўра, мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар, масалан, қарорларнинг манфаатдор шахслар фикри тингланмасдан қабул қилиниши, қандай ҳуқуқий ва ҳақиқий (фактик) асосларга таянган ҳолда чиқарилганига етарли эътибор берилмаслиги, қарорларни бекор қилиш, ўзгартириш, ҳақиқий эмас деб топишнинг ягона тартиби йўқлиги, қарор қабул қилишнинг турли важлар билан кечиктирилиши, асослантирилмаган қарорлар қабул қилиниши каби ҳолатлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг моддий ва процессуал асослари тўлиқ ишлаб чиқилмагани, бунинг натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари етарли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 37. – 979-модда.

таъминланмаётгани ва бошқа шу каби камчиликлар маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқоти юқоридаги муаммоларни маълум даражада бартараф этиши баробарида, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги (2018 йил), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017 йил), «Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида»ги (2017 йил) қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 йил), «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2017 йил) фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси таъминланишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли биринчи устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар дунёнинг бир қатор илғор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Стенфорд, Гарвард, Йель, Колумбия ҳуқуқ мактаблари (АҚШ), Оксфорд, Лондон (Буюк Британия), Шпайер маъмурий ҳуқуқ университетлари (Германия), Нагоя, Токио, Киото, Рюоку университетлари (Япония), Москва, Воронеж давлат университетлари (Россия), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Бош прокуратура Академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ҳар бир давлатда маъмурий тартиб-таомилларнинг ривожланиши уч авлодга бўлиб таснифланган (Йель ҳуқуқ мактаби); маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқийлиги, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш зарурлиги илмий асосланган (Шпайер маъмурий ҳуқуқ университети); тинглаш жараёнида учинчи шахслар иштирокини кенгайтириш ва маъмурий тартиб-таомилларда қарор қабул қилиш йўриқнома (стандарт)ларини ўрнатишнинг назарий-ҳуқуқий тавсифи изоҳланган (Нагоя, Токио, Киото, Рюоку университетлари); маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида қонун қабул қилиш зарурлиги ва унинг мазмун-моҳияти қандай бўлиши кераклиги кўрсатилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://law.yale.edu>; <http://www.foev-speyer.de>; <https://www.law.nagoya-u.ac.jp>; <https://munkschool.utoronto.ca>; <http://www.law.vsu.ru>; <http://dba.uz>; <https://tsul.uz> ва бошқа манбалардан олинган.

дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Бош прокуратура Академияси).

Дунёда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор, жумладан: маъмурий тартиб-таомилларнинг учинчи авлодини иштирок этиш (*participation*) ва ҳамкорлик (*collaboration*) асосида ишлаб чиқиш, маъмурий тартиб-таомиллар принципларининг маъмурий ишда қўлланилиш доирасини изохлаш, маъмурий ҳужжатни қабул қилишда тинглаш жараёнининг таъсирини тартибга солиш, маъмурий ҳужжатни бекор қилишда мутаносиблик ва ишонч ҳимоя қилинишининг инобатга олинисини яхшилашга қаратилган маъмурий тартиб-таомиллар қоидаларини такомиллаштириш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маъмурий ҳуқуқнинг асосий институти бўлмиш маъмурий тартиб-таомиллар ривожланган давлатларнинг кўпчилигида мавжуд бўлиб, ушбу мавзуда кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, АҚШ, Германия ҳамда Япония давлатларида, шунингдек айрим МДХ мамлакатларида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳияти, принциплари, босқичлари ва асосий қоидалари чуқур ўрганилган. Масалан, АҚШда замонавий маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг яратилиш тарихи ва мазмун-моҳияти, маъмурий тартиб-таомилларда дю процесс (*due process*) принципи тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар Х.Фентон, О.Р.Магуир, Ж.Понс, К.Макфарланд, Г.Монтаг, Ф.Шервуд, Ф.Ҳеди, А.Вандербилд, К.Ковак, Л.Ш.Бресман, К.Пэк, Ж.Бонд, Б.Шварц, Р.Коррада, Р.Браун, В.Фанк, Р.Саймон, Э.Гелхорн, Р.Левин, А.Жэрсен ва бошқа олимларнинг илмий ишларида келтирилган.

Японияда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидалари, бундай қонун узок вақт мобайнида қабул қилинмаганининг сабаблари, маъмурий ишларни кўришда тинглаш жараёнининг хусусиятлари Х.Шионо, К.Уга, К.Ичихаши, Т.Сова, Х.Ямада, Т.Ватари, Ж.Охнесорж каби бир қанча олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Германияда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг хусусиятлари, маъмурий ҳужжат ва унинг ҳақиқийлиги масалалари Э.Шмид-Ассман, Я.Цикоу, Х.Дёриг, Р.Циммерман, Л.Брокер, Й.Пуделька каби олим ва мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

Бундан ташқари, Европада маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги умумий қонун концепцияси Ж.Берман, дунё давлатлари маъмурий тартиб-таомиллари ривожланишининг уч авлодга таснифланиши ва асосий фарқли жиҳатлари Ж.Барнеснинг асарларида келтирилган.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг назарий-ҳуқуқий тавсифи МДХ олимларидан О.Аметистова, З.Баймолдина, А.А.Балтабеков, Д.Боронбаева, Д.К.Березницкая, А.М.Волков, А.Б.Габбасов, К.Дикамбаева, С.Каримов, У.Сатаров, Э.К.Иманалиев, С.И.Ибрагимов, Р.Мадалиев, Р.Н.Марифхонов, Я.Нуриев, Д.Олейник, Х.Ойев, Е.В.Порохов, Р.А.Подопригора, А.Тукиев, С.С.Шишимбаева, хусусан, Россияда Э.С.Бочарова, А.А.Демин, К.Давидов, Е.А.Дегтярёва, М.О.Ефремов, В.А.Зюзин, И.М.Лазарев, С.Н.Махина,

Н.Б.Малявина, О.В.Морозова, А.А.Никольская, О.С.Рогачева, Ю.Н.Старилов, Ю.П.Соловей кабилар томонидан кенг тадқиқ этилаётган мавзулардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида давлат бошқаруви ва турли маъмурий ислохотларнинг у ёки бу жиҳатлари А.А.Агзамхўжаев, А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, С.М.Адилходжаева, И.И.Бобоқулов, Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, Б.И.Исмоилов, Н.Т.Исмоилов, Г.С.Исмаилова, Х.Т.Маматов, Г.Р.Маликова, М.М.Мирақулов, Ў.Х.Мухамедов, О.З.Мухаммаджонов, Ф.А.Мухитдинова, Ҳ.Т.Одилқориев, Ф.Ҳ.Отахонов, Ф.Ҳ.Рахимов, М.Х.Раҳмонқулов, Х.И.Рўзметов, А.Х.Саидов, А.С.Турсунов, Ж.Ў.Тошқулов, И.Т.Тулътеев, А.А.Тўлаганов, О.Т.Ҳусанов, И.А.Хамедов, Р.Р.Ҳақимов томонидан тадқиқ этилган.

Бироқ мазкур тадқиқотларда Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш масаласи деярли таҳлил этилмаган, республикамиз шароитида маъмурий тартиб-таомилларнинг назарий-ҳуқуқий асослари монографик тадқиқот даражасида ўрганилмаган.

Ўзбекистон маъмурий ҳуқуқида маъмурий тартиб-таомиллар нисбатан янги институтлардан бўлиб, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан деярли тадқиқ этилмаган. Жумладан, И.А.Хамедов, А.А.Ли, С.М.Селиманова, Е.С.Каньязов, Э.Т.Хожиев, Л.Б.Хван, И.М.Цай томонидан ушбу мавзуда бир қанча мақола ва рисолалар эълон қилинган бўлса-да³, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари бўйича яхлит, чуқур ва ҳар томонлама тадқиқот ўтказилиб, натижалари монография сифатида эълон қилинмаган. Мавжуд илмий ишларда асосан маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурлигини асослаш ва истиқболларини башорат қилишга қаратилган айрим изланишлар олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари» илмий тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар, жумладан, ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Япония ва Германия), шунингдек айрим МДХ давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия) тажрибаси асосида Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари, тинглаш жараёни ва маъмурий ҳужжатни қабул қилишга оид процессуал қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Бу ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда диссертация олдида куйидаги вазифалар қўйилган:

«маъмурий тартиб-таомиллар» ва «маъмурий процесс» тушунчаларини таҳлил қилиш асосида уларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш;

маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири сифатида кўриб чиқиш ва тавсифлаш;

маъмурий тартиб-таомиллар принциплари, тинглаш жараёни, маъмурий ҳужжатни қабул қилишга доир маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидалари ҳуқуқий табиатини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Япония ва Германия) ҳамда айрим МДХ давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия) маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни янада такомиллаштириш йўналишлари ва амалиётда қўллаш истиқболларини таҳлил қилиш, уни амалиётга татбиқ этишда юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммоларнинг олдини олиш борасида илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»-ги қонунини (кейинги ўринларда МТТҚонун деб юритилади) давлат бошқаруви органлари ва суд амалиётида қўллаш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини маъмурий тартиб-таомиллар принциплари, тинглаш жараёни, маъмурий ҳужжатни қабул қилишга доир қоидалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маъмурий ва суд амалиёти, шунингдек Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Германия ва айрим МДХ давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия)нинг маъмурий тартиб-таомилларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилишга бағишланган илмий изланишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикий-юридик, формал-юридик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ва бошқа усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

маъмурий иш юритиш жараёнида қонунни бузган жисмоний ва юридик шахсларга таъсир чораларини қўллашда муносиблик принципи асосида мазкур чорадан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос, етарли тарзда ва манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмай амалга оширилиши кераклиги, маъмурий орган томонидан манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имконини яратиш шартлигида ифодаланувчи тинглаш имкониятининг мавжудлиги принципини, шунингдек виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи

қонун билан кўриқланишида ифодаланувчи ишончнинг ҳимоя қилиниши принципини жорий этиш лозимлиги асослантилган;

манфаатдор шахснинг айби бўлмагани ҳолда қонунга зид тарзда қабул қилинган маъмурий ҳужжатни бекор қилишда (маъмурий ҳужжатни бекор қилиш оқибатида манфаатдор шахснинг маъмурий ҳужжатга бўлган қонуний ишончи асосида унга маълум бир зарар келиб чиққан ҳолларда) маъмурий орган мутаносиблик ва ишончнинг ҳимоя қилиниши принциплари асосида зарарни қоплаб бериши ёки маъмурий ҳужжатни бекор қилиш натижасида манфаатдор шахс кўрадиган зарар жамият манфаатларига етказиладиган зарардан ошиб кетган тақдирда (жамият манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллардан ташқари), унинг ишончини ҳимоя қилиши мумкинлиги, шунингдек қонунга мувофиқ қабул қилинган маъмурий ҳужжат маъмурий орган ёки манфаатдор шахснинг айби бўлмагани ҳолда, қонун ёки вазият ўзгариши каби сабабларга кўра унинг ноқонунийлиги ёки жамият манфаатларига зарар (таҳдид) юзага келтирган тақдирда маъмурий орган мутаносиблик ва ишончнинг ҳимоя қилиниши принциплари асосида зарарни қоплаб бериш шarti билан маъмурий ҳужжатни бекор қилиши ёки манфаатдор шахс кўрадиган зарар жамият манфаатларига етказиладиган зарардан ошиб кетадиган бўлса, (жамият манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллардан ташқари) унинг ишончини ҳимоя қилиши мумкинлиги асослантириб берилган;

ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш зарурлиги асослантилган;

текшириш принципи талабидан келиб чиққан ҳолда маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий органларнинг низолашилаётган маъмурий ҳужжатларнинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши ҳамда маъмурий орган ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларгагина асосланишга ҳақли бўлиши асослантириб берилган;

«маъмурий ҳужжат» тушунчасидан келиб чиқиб, тартибга солиш (регулятив) хусусиятига эга бўлмаган, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ қабул қиладиган қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар сифатида маъмурий судга тааллуқли эмаслиги асослантилган;

низоларни маъмурий судда кўриш жараёнида ишда маъмурий ҳужжатнинг мавжудлигини аниқлаш асносида маъмурий органнинг хатти-ҳаракати эмас, балки маъмурий ҳужжат юзасидан низолашиш, маъмурий орган томонидан маъмурий ҳужжат мазмуни ва асослантирилишига оид қоидаларга риоя этилганлигини текшириш зарурлиги асослантириб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маъмурий амалиётда маъмурий тартиб-таомиллар принципларини, маъмурий иш юритиш, маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқий эмаслиги ва бекор қилинишига оид қоидаларни тўғри қўллашга хизмат қилган;

маъмурий судлар МТТҚонуннинг маъмурий органлар томонидан тўғри қўлланилишини текширишига оид тушунтиришлар ишлаб чиқилишига хизмат қилган;

МТТҚонунига тинглаш жараёни ўтказилишининг намунавий тартибига оид янги боб киритиш концепциясини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқарадиган ҳолатлар, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ва чақириб олишнинг процедуравий талабларига доир маъмурий тартиб-таомиллар қоидаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

маъмурий шикоят ва судлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунга мувофиқлаштириш йўналишларини белгилаб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ривожланган давлатлар ва миллий қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўровлар (200 га яқин маъмурий ишлар бўйича судьялар, 100 дан ортиқ турли давлат бошқаруви органларининг ходимлари ва Давлат бошқаруви академияси тингловчилари ўртасида ўтказилган), статистик маълумотлар, давлат бошқаруви органлари ва судларнинг 500 га яқин қарорлари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди. Тадқиқотнинг хулоса, таклиф ва тавсиялари апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинди. Олинган натижалар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий-тадқиқот фаолиятида, қонун ижодкорлигида, соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва шарҳлашда, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир методологик қараш ва ёндашувларни янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигидадир.

Диссертацияда маъмурий тартиб-таомил принциплари, тинглаш жараёни ва маъмурий ҳужжатни қабул қилишга оид назарий тушунчалар ҳамда уларни амалиётда қўллашнинг юридик техникаси тадқиқ этилгани Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилишига хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан давлат бошқаруви органлари ва суд амалиётида маъмурий тартиб-таомиллар қоидаларини тўғри тушуниш ва қўллаш учун назарий асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғри талқин этиш, шунингдек такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганида кўринади.

Диссертациянинг хулосаларидан «Маъмурий ҳуқуқ», «Давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари», «Маъмурий процесс» фанларидан ўқув машғулотла-

рида, шунингдек ўқув, ўқув-методик ва амалий қўлланмалар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

мутаносиблик, тинглаш имкониятини бериш ҳамда ишончни ҳимоя қилиш каби асосий қоидаларни маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари сифатида жорий этиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунининг 7, 9, 16-моддаларини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 28 февралдаги маълумотномаси*). Мазкур таклифлар маъмурий тартиб-таомилларда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслик, маъмурий ҳужжатни қабул қилишда манфаатдор шахсларнинг ўз фикрларини билдириш имкониятининг яратилиши, манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан кўриқланишига хизмат қилган;

маъмурий ҳужжатни бекор қилишда мутаносиблик ва ишончни ҳимоя қилиш принципларининг инобатга олиншини назарда тутувчи қоидалар тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 6 февралдаги 3/13-429-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифлар маъмурий ҳужжатни бекор қилишда манфаатдор шахсларнинг қонуний манфаатлари инобатга олиншига хизмат қилган;

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий адлия тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг I боб 6-бандини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 6 февралдаги 3/13-430-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифлар маъмурий низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий ҳужжатнинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши ҳамда маъмурий орган фақат ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларга асосланишга ҳақли деб эътироф этиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 31 майдаги маълумотномаси*). Мазкур таклифлар маъмурий суд ишларини юритишда ишга оид далилларнинг ўз вақтида тақдим этилишига ва маъмурий органларнинг исботлаш мажбурияти доирасини белгилаб олишга хизмат қилган;

давлат органлари ва улардаги мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ қабул

қиладиган қарорлари ёки амалга оширадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар сифатида маъмурий судга тааллуқли эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори 4-бандини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 31 майдаги маълумотномаси*). Мазкур таклифлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлардан фарқлашга хизмат қилган;

низоларни маъмурий судда кўриш жараёнида ишда маъмурий ҳужжатнинг мавжудлигини аниқлаш, маъмурий ҳужжатни ёзма шаклда қабул қилиш мумкинлиги, маъмурий орган томонидан маъмурий ҳужжат мазмуни ва асослантирилишига риоя этилганлигини текшириш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқилган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунни амалиётда қўллашга оид тушунтириш (кўрсатма)да фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг 2018 йил 24 декабрдаги ТМ 06-363-18-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифлар маъмурий судлар томонидан ишларнинг судга тааллуқлилигини белгилаш ҳамда маъмурий ҳужжатга оид қоидаларни тўғри қўллашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий хулоса ва натижалари республика ҳамда халқаро даражадаги илмий-амалий, ўқув семинарлари, конференциялар ва давра суҳбатларида, жумладан учта халқаро, олтига республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуига оид 20 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (улардан 14 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 12 та параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 240 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан

боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»лиги ҳақидаги давлат бошқарувидаги асосий қоида нафақат юртимизда, балки бутун дунёда эътироф этилмоқда. Эскича фикрлайдиган, халқни ўз хизматкори деб ўйлайдиган раҳбар ва ходимларни янгича, замонавий давлат бошқарувида ўтказиш, албатта, осон иш эмас. Бунда, энг аввало, давлат органларининг барча ходимлари халққа хизмат қилиш зарурлигини тушуниб етиши талаб этилади. Давлат органларининг раҳбар ва ходимлари халққа хизмат қилиши учун эса, албатта, муайян ҳуқуқий механизмларни йўлга қўйиш лозим бўлади. Шу маънода, Ўзбекистонда 2018 йил 8 январда қабул қилинган МТТҚонун ўз мазмун-моҳияти, асосий принциплари ва бошқа қоидаларига кўра давлат органларининг манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида уларнинг халққа хизмат қилишини белгиловчи ҳуқуқий механизмни шакллантириб бергани билан алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқот мавзуининг долзарблиги ана шулар билан боғлиқдир.

Тадқиқотнинг биринчи бобида **«Маъмурий тартиб-таомиллар ҳуқуқий асосларининг илмий-назарий таҳлили»** амалга оширилган.

Бунда, аввало, Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг тарихий ривожланиш динамикасига мурожаат қилинди. XX аср бошига қадар мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган маъмурий тартиб-таомилларга яқин тартибларнинг тарихий асосларига қисқача тўхталиб, фуқароларнинг давлат билан муносабатлари, жумладан давлат органларига мурожаат қилишини белгиловчи тартиблар таҳлил этилган.

Албатта, келтирилган маълумотларга асосланиб, тадқиқ этилаётган маъмурий тартиб-таомилларнинг қоидалари замонавий шакл ва мазмунда мавжуд бўлгани ҳақида гапириш қийин. Аммо, таҳлилларда келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда ҳам маъмурий тартиб-таомилларга яқин тартиблар, хусусан, фуқароларнинг мурожаат қилишлари ўзига хос тарзда ривожланиб борган.

Диссертацияда совет ҳуқуқида маъмурий тартиб-таомиллар қандай маъно-мазмунда кўриб чиқилгани тўғрисидаги назарий фикрлар ҳам таҳлил қилинди. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, совет маъмурий ҳуқуқида замонавий маъно-мазмундаги маъмурий тартиб-таомиллар институти ўз ифодасини топмаганлиги таъкидланди. Маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида гап борганида асосан давлат бошқарувида ижроия-фармойиш берувчи органларнинг фаолияти маълум бир нормалар билан тартибга солиниши келтириб ўтилган. Совет маъмурий ҳуқуқида келтирилган бундай илмий қарашлар, албатта, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ҳам маълум даражада ўз таъсирини сақлаб қолган. Жумладан, республикаимиз ҳуқуқшуносларининг аксарияти маъмурий

тартиб-таомиллар маъмурий ҳуқуқнинг мустақил институти эмас, балки кенг маънодаги маъмурий процесснинг таркибий қисми эканлигини таъкидлашади.

Ушбу бобда Ўзбекистонда МТТҚонуннинг қабул қилиниш тарихи ҳамда ўзига хос жиҳатлари ҳам ёритилган. Аммо асосий эътибор маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий таҳлиliga қаратилган. Жумладан, маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий ҳуқуқ институти сифатидаги тавсифи, асосий қоида ва бошқичлари республикамиз ва чет эл олимларининг илмий ишларини таҳлил қилиш асосида тадқиқ этилди.

Олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, маъмурий процессни *кенг* (юрисдикцион, бошқарув ва юстициявий процессуал қоидалар) ҳамда *тор* маъноларда (маъмурий суд ишларини юритиш сифатида) тушуниш мумкин, деган хулосага келинди. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги иккита алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат такомиллашиб бораётгани сабабли маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий-процессуал ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида, умумий маъмурий ҳуқуқ доирасида ўрганиш таклиф этилди.

Шунга кўра, ҳуқуқнинг мустақил (алоҳида) институти сифатида маъмурий тартиб-таомиллар деганда маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни тартибга соладиган (регулятив) нормалар тизимини тушуниш мумкин.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий давлат бошқаруви (*public administration*) асосидаги бошқарувда маъмурий тартиб-таомилларга давлат бошқарувида иштирок этиш, тўғри бошқарув қарорларига эришишнинг оқилона йўли, давлат бошқаруви органларининг халқ олдида ҳисобдор бўлиши, шаффофлик, маълум бир қоидаларга бўйсунуш орқали ўз ваколатларини суиистеъмол қилишдан сақланишни таъминлаш, маъмурий қарорларнинг самарадорлигини ошириш қоидалари сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ривожланган давлатлар сингари маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги умумий қонуннинг маъмурий органлар ва манфаатдор шахслар ўртасидаги барча маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилишини ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг барча асосий қоидаларини қонунда мустаҳкамлаш орқали кафолатлашни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий тартиб-таомилларнинг қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Маъмурий тартиб-таомиллар *маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан қонун нормаларига мувофиқ келиб чиқадиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга соладиган (регулятив) процессуал қоидалардир.*

Албатта, биргина тадқиқот доирасида маъмурий тартиб-таомиллар ҳуқуқий асосларининг барча жиҳатларини қамраб олиш имконсиз. Шундан келиб

чиққан ҳолда тадқиқотнинг биринчи бобида асосий эътибор Ўзбекистонда кам ўрганилган маъмурий тартиб-таомилларни илмий-назарий таҳлил қилишда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг тартибга солиш доираси нималардан иборатлигини аниқлашга қаратилди.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг тартибга солиш доирасига қуйидаги асосий қоидаларни киритиш мумкинлиги аниқланди: 1) маъмурий тартиб-таомилларнинг мақсади ва амал қилиш доираси; 2) маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари; 3) холисликни таъминлаш; 4) маъмурий иш юритиш босқичлари; 5) тинглаш жараёни; 6) маъмурий ҳужжатни қабул қилиш (маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқийлиги, жумладан, уни бекор қилиш, чақириб олиш, ўзгартириш, ҳақиқий эмас деб топиш).

Маъмурий ҳужжат юзасидан маъмурий тартибда шикоят қилиш ва маъмурий ҳужжатни ижро этиш масаласида турли мунозарали фикрлар мавжуд бўлиб, МДҲ давлатлари (мисол учун, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон)нинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларида ушбу икки масала ҳам маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларда тартибга солинганини кўриш мумкин. Бироқ, ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия, Япония)нинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларида маъмурий ҳужжат юзасидан маъмурий тартибда шикоят қилиш ва маъмурий ҳужжатни ижро этиш масаласи тартибга солинмаган. Бу масалалар алоҳида қонунчилик (жумладан, маъмурий тартибда шикоят қилиш ва маъмурий ижро тўғрисидаги қонунлар) билан батафсил тартибга солинганини кўриш мумкин.

Германия ва Япония қонунчилигида маъмурий ҳужжат бўйича маъмурий тартибда шикоят қилиш юзасидан шикоят муддатлари, уни кўриб чиқиш доираси ва натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилиш шартлари белгиланган. Маъмурий ҳужжат ижроси юзасидан ҳам қонуний кучга кирган маъмурий ҳужжат мавжудлиги, ижро этиш шартлари тўлиқ бажарилгани ва ижрони истисно этувчи ҳолатлар батафсил тартибга солинганини кўриш мумкин.

Мазкур ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий шикоят ва маъмурий ҳужжат ижроси алоҳида тартибга солиш предметига эга. Шу боис мазкур тадқиқот предмети доирасида маъмурий шикоят ва маъмурий ҳужжат ижроси масалалари кўриб чиқилмади. Ушбу масалалар алоҳида тадқиқот доирасида кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва юзага келиши мумкин бўлган турли ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олиш мақсадида тадқиқотнинг **«Хорижий мамлакатлар маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларининг ўзига хос жиҳатлари (АҚШ, Япония ва Германия мисолида)»** деб номланган иккинчи бобида ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Япония ҳамда Германия) қонунчилигидан фойдаланган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидалари бўлмиш маъмурий тартиб-таомиллар принциплари, тинглаш жараёни ҳамда

маъмурий хужжатни қабул қилиш ва унинг ҳақиқийлигига оид масалалар таҳлил қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ушбу давлатларда маъмурий тартиб-таомилларнинг назарий-ҳуқуқий асослари кенг ёритилган. Тадқиқот предметдан келиб чиқиб, АҚШ, Япония ва Германия давлатлари қонунчилигининг нисбатан батафсил тартибга солинган жиҳати сифатида маъмурий тартиб-таомиллар принциплари, тинглаш жараёни, маъмурий хужжатни қабул қилишнинг ҳуқуқий тавсифига доир норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва илмий қарашлар таҳлил қилиниб, АҚШ қонунчилигидаги дю процесс принципининг мазмун-моҳияти, Япония қонунчилигидаги тинглаш жараёни ҳамда Германия қонунчилигидаги маъмурий хужжатни қабул қилиш ва бекор қилишни ҳуқуқий тавсифлашга оид ижобий тажриба Ўзбекистон қонун хужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

АҚШда маъмурий тартиб-таомиллар ўзига хос тарихий шароитда, яъни тартибга солиш (регулятив) хусусиятига эга бўлган маъмуриятчилик кенг ривожланган, умумий судлар турли маъмурий муаммоларни тезкор ҳал қила олмаган, бошқа тарафдан эса маъмурий органларга махсус тартиб орқали ишонч ва қонунийлик (легитимлик)ни кафолатлаш нуқтаи назаридан жорий этилган. АҚШда маъмурий тартиб-таомиллар бир неча ўн йиллар давом этган турли баҳс-мунозаралар натижасида юзага келган. Бундай баҳслар маъмурий органларнинг ваколатларини тезкор бошқарув фаолиятидан қанчалик ажратиш лозимлиги (*how far should adjudicating functions be separated from other administrative activities*), тинглаш тартиб-таомилида раислик қилувчининг мустақил қарор қабул қила олиши (*how far should hearing commissioners be independent of the administrative agencies*), судлар маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорларни қай даражада текшириши мумкинлиги (*how far should the courts review administrative action*) каби масалаларни ўз ичига олган. Шунга қўра, АҚШ маъмурий тартиб-таомиллари суд процесси билан қаттиқ боғлангани, яъни суд прецеденти асосида ривожланиб келганини ҳам кўриш мумкин.

АҚШ қонунчилиги юзасидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида АҚШда маъмурий тартиб-таомиллар тўғри тартиб-таомил – *дю процесс* асосида ўрганилиши аниқланди. АҚШ Конституциясида назарда тутилган дю процесс принципи инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкига даҳл қиладиган ҳар қандай маъмурий ҳаракатга нисбатан татбиқ этилиши назарда тутилади. Аммо маъмурий ҳаракатларнинг инсон ҳаётига даҳл қилиши амалда жуда кам учраганлиги сабабли асосий эътибор ва назарий изланишлар инсоннинг эркинликлари ва мулкига ҳар қандай шаклда даҳл қиладиган маъмурий ҳаракатларнинг дю процесс принципи асосида амалга оширилишига қаратилган. Дю процесс принципи асосида вужудга келган маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий ғояси – маъмурий қарор йўналтирилган шахс (*адресат*)га иш юзасидан унинг далил ва важларини тинглаш имконини тақдим этиш, бошқача айтганда, «тингланиш ҳуқуқи»ни таъминлашда акс этади.

Таъкидлаш жоизки, қарор йўналтирилган шахс (адресат)нинг маълум бир ҳуқуқий манфаатларига нисбатан ҳам дю процесс принципи татбиқ этилиши

мумкин бўлиб, шу маънода дую процесс принципи қарор йўналтирилган шахс (адресат)нинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, унинг ҳуқуқий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши мумкин. Мулкий ҳуқуқларга дахл қилиш турли шаклларда бўлиши, яъни тўғридан-тўғри мулк ҳуқуқига дахл қилинишинигина эмас, балки турли асосли, қонуний манфаатларни ҳимоя қилишни ҳам назарда тутлади. Инсоннинг эркинлигига дахл қилиш деганда унинг озодликдан маҳрум қилинишинигина эмас, балки кенг маънода, маъмурий ҳаракат натижасида инсоннинг маълум бир эркинликларига дахл қилиниши каби ҳолатларни ҳам тушуниш лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг эркинликлари ва мулк ҳуқуқига дахл қиладиган ҳар қандай ҳолда ҳам дую процесс принципи татбиқ этилавермайди ва бунинг баъзи талаб ва истисно этувчи ҳолатлари мавжуд. Бу ўринда маъмурий қарор қабул қилиниши натижасида дахл қилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва манфаатнинг хусусияти ҳамда дую процесс принципи татбиқ этилиши натижасида маъмурий органларнинг ишига қанчалик тўсқинлик қилишига қаралади.

Мана шу мувозанат асосида дую процесс принципини татбиқ этиш ёки этмаслик масаласи кўриб чиқилади. Зеро, қарор йўналтирилган шахс (адресат)нинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиш хусусиятига кўра аҳамияти унчалик катта бўлмаган ишларга нисбатан ҳам дую процесс принципини татбиқ этиш маъмурий органларнинг фаолиятига ортикча юк бўлади ва уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин. Маълум бир маъмурий ҳаракат юқорида таъкидланган ҳуқуқ ва манфаатларга дахл қиладиган ҳаракат деб топиладиган бўлса, уларга дую процесс принципи татбиқ этилади.

Диссертацияда дую процесс принципи қуйидагиларни назарда тутиши аниқланди. Ушбу принципнинг процессуал талабларидан биринчиси – тарафнинг фикрини тинглаш учун уни хабардор қилишда, иккинчиси – тарафга суд тартибига ўхшаш тартибда фикрини тинглаш имкониятини беришда, учинчиси – тарафнинг маслаҳатлашув ҳуқуқида, тўртинчиси – қарор қабул қилувчи (маъмурий орган ёки мансабдор шахс)нинг холис бўлишида, бешинчиси эса маъмурий ҳужжат (қарор)ни чиқаришда тегишли ҳақиқий (фактик) ҳолатлар ва ҳуқуқий асослар, қарорни асослантирувчи далил ва сабаблар тўлиқ ва етарли даражада асослантирилишида намоён бўлади.

Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллардан Японияда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида қонунни қабул қилиш узоқ вақт мобайнида рад этиб келингани унинг маданияти билан боғлиқлиги, маъмурият ва манфаатдор шахслар ўртасидаги баҳсли масалаларда норасмий музокаралар орқали маълум бир масаланинг ечимини топишга асосланиб келингани, хорижий инвесторларнинг кенг доирада кириб келиши натижасида эса ушбу япон маданияти етарлича тан олинмагани аён бўлди. Шунинг учун ҳам Япониянинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунида асосан тинглаш жараёни тартибга солинганини кўриш мумкин.

Таҳлиллардан Японияда тарафнинг фикр (важ)ларини тинглаш тартиб-таомили манфаатдор шахс учун исталмаган қарор қабул қилиниши тартиб-таомилининг муҳим процессуал талаби эканлиги келиб чикди. Ушбу тартиб-

таомил икки кўринишда, яъни а) оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш тартиб-таомили ҳамда б) ёзма тартибда тақдим этиладиган важ (эътироз, фикр)ларни билдириш тартиб-таомили шаклида бўлиши мумкин.

Оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш тартиб-таомили қонунда кўрсатилган ҳолларда олдиндан хабардор қилиш ва иш тўғрисидаги қарор йўналтирилган шахс (адресат)нинг фикрини тинглаш асосида амалга ошириладиган тартиб-таомилдир. Бундай тартиб-таомилни расмий (формал) тинглаш тартиб-таомили деб аташ ҳам мумкин.

Оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади. Аввало, расмий тинглаш тартиб-таомили ўтказилишидан оқилона муддат олдин тараф хабардор қилиниши талаб этилади. Ушбу хабарномада кимга нисбатан ва қандай мазмундаги исталмаган қарор қабул қилиниши режалаштирилаётгани, бундай қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари, қарор қабул қилинишига сабаб бўлган ҳақиқий ҳолат (факт)лар нималардан иборатлиги, тинглаш қачон ва қаерда ўтказилиши кўрсатиб ўтилади.

Расмий тинглаш тартиб-таомили қоида тариқасида ёпиқ тарзда ўтказилади. Бунда уч тараф, яъни расмий тинглаш тартиб-таомилида раислик қилувчи, қарор йўналтирилган шахс (адресат) ва қарор лойиҳасини тайёрлаган ходим қатнашади. Расмий тинглаш тартиб-таомилнинг бошида қандай мазмундаги исталмаган қарор қабул қилиниши режалаштирилаётгани, бундай қарорнинг ҳуқуқий асослари, қарор қабул қилинишига сабаб бўлган ҳақиқий ҳолат (факт)лар нимадан иборатлиги тушунтириб ўтилади. Шундан сўнг иш бўйича тараф ҳисобланган шахс ёки процессга таклиф қилинган бошқа манфаатдор шахслар (процесс иштирокчилари) иш юзасидан тегишли далил, ҳужжатларни тақдим этиши ва фикрлар билдириши мумкин.

Шунингдек, иш бўйича тараф раислик қилувчининг руҳсати билан қарор қабул қилаётган ходимга савол бериш ҳуқуқига эга. Тарафда расмий тинглаш тартиб-таомили тугагунига қадар ишга тааллуқли ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқи ҳам мавжуд. Расмий тинглаш тартиб-таомили якунида раислик қилувчи унинг натижалари юзасидан тегишли иш баённомаси ҳамда ҳисоботини қарор қабул қиладиган маъмурий органга тақдим этади. Маъмурий орган расмий тинглаш тартиб-таомили юзасидан тайёрланган баённома ва ҳисоботда раислик қилувчининг иш юзасидан хулосасини етарли даражада инобатга олган ҳолда қарор қабул қилади.

Манфаатдор шахс манфаатига нисбатан жиддий оқибатлар келтириб чиқармайдиган қарор қабул қилиниши режалаштирилаётганида важ (фикр) *ёзма тартибда* билдирилади. Бу жараён қоида тариқасида тарафнинг иш юзасидан ўз важ, фикр-эътирозларини фақат ёзма шаклда тақдим этишини англаатади.

Ушбу бобда, шунингдек, Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тинглаш жараёнига оид бир қанча таклифлар баён этилган. Таҳлиллар натижасида,

тинглаш жараёни расмий, норасмий ва ёзма шаклда амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланди.

Шунга кўра, тинглаш жараёни баённомаси ва жараён якунида тегишли қарор ёки хулоса қабул қилинади. Манфаатдор шахсга тараф сифатида ишда иштирок этиш ҳамда ўз фикр, ваз ва далилларини тақдим этиш имкониятини бериш учун тинглаш жараёни ҳақида аввалдан огоҳлантирилади. Тартиб-таомил маъмурий органнинг мансабдор шахси ёки бошқа ходим томонидан амалга оширилади. Норасмий тинглаш асосан маъмурий орган ва манфаатдор шахс ўртасида ўзаро қулай шартларда амалга оширилади ҳамда қандайдир расмий тартиб-таомил ва қоидаларга риоя этмасдан ўзаро фикр алмашиш асносида ўтказилади. Ёзма тартибда тақдим этиладиган ваз (эътироз, фикр)ларни билдириш тартиб-таомили эса манфаатдор шахсга ўз фикрини ёзма тарзда тақдим этиш имконини бериш орқали амалга оширилишида ифодаланиши АҚШ ва Япония қонунчилигининг илғор тажрибасига таянган ҳолда асослантилди.

МТТТҚонунга кўра, тинглаш жараёни тўғридан-тўғри қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки маъмурий орган ихтиёри асосида зарур деб топиладиган ҳолларда ўтказилиши мумкин. МТТТҚонуннинг мазмунидан иккала ҳолатда ҳам, агар аниқ қоида мавжуд бўлмаса, маъмурий орган ўз ихтиёри асосида (дискрецион асосда) тинглаш жараёнини расмий, норасмий ёки ёзма шаклда амалга ошириш бўйича қарор қабул қила олишини келтириб чиқариш мумкин. Тинглаш жараёнининг шаклини танлашда ишнинг ҳажми, таъсир чорасининг жиддий ва оғирлиги, сарфланадиган маъмурий ресурс ҳамда маъмурий оқилоналик ва мақсадга мувофиқликка асосланиш лозимлиги таъкидланди.

Германиянинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуни Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда юзага келган маъмурий органлар фаолиятини иложи борича батафсил тартибга солиш заруратидан келиб чиқиб яратилган. Шунинг учун ҳам маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидалари, жумладан маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ва унинг ҳақиқийлигига оид қоидалар қонунда тўлиқ тартибга солинган.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ, Япония ва Германиянинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги тегишли қонунлари нисбатан чуқур илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган ва мутахассислар томонидан узоқ давом этган баҳс-мунозаралар натижасида қабул қилинган. Бундан ташқари, қонун қабул қилингунига қадар ва ундан кейин ҳам суд амалиётида қонунни тўғри тушуниш, талқин этишнинг мустаҳкам илмий-амалий асослари ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакатларнинг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги тегишли қонунлари нисбатан батафсил ифодаланган нормаларга эга эмас, аксинча, кўп масалалар маъмурий ҳуқуқ назарияси ва суд амалиётидаги тегишли тушунтиришлар билан тўлдирилади.

Учинчи бобда **«МДХ давлатлари маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг таҳлили (Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия мисолида)»** амалга оширилган. Тадқиқот натижасида МДХ давлатлари маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмуни бир-биридан кескин фарқ қилиши аниқланди.

Аввало, айрим давлатлар (мисол учун Қозоғистон) маъмурий тартиб-таомилларни кенг маънода, яъни бутун давлат бошқарув жараёни сифатида тушуниб, бу тўғрида қонунлар қабул қилган. Иккинчи гуруҳ давлатлар (Қирғизистон ва Тожикистон) эса хорижий давлатлар мутахассислари ёрдамида ўз тилида қонун қабул қилган, лекин уни амалиётда қўллашда бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни ҳали қабул қилмаган давлатлар ҳам бор (мисол учун Россия).

Диссертацияда мазкур уч тоифа давлатларнинг қонунчилиги таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда МТТҚонуннинг истиқболи билан боғлиқ ҳолда бир қанча муаммолар юзага келиши мумкинлиги аниқланди.

Биринчидан, маъмурий тартиб-таомиллар кенг маънода тушуниладиган давлатларда маъмурий тартиб-таомиллар манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини маъмурий суиистеъмолликдан ҳимоя қилиш маъносида ифодаланмаслиги келиб чиқди. Маъмурий тартиб-таомиллар шаклан мавжуд бўлса-да, ўзининг асл функциясини бажара олмаслиги, ижобий, тартибга солиш (регулятив) хусусияти ифодаланмаслиги маълум бўлди. Бошқарув жараёни унинг самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан процессуал тартибга солиниши биринчи типдаги давлатлар қонунчилигига хослиги аниқланди.

Иккинчидан, хорижий давлатлар мутахассислари ёрдамида ўз тилида қонун қабул қилган иккинчи гуруҳ давлатларда қонунни тўғри тушуниш ва англашда, уни амалиётда қўллашда жиддий камчилик ва қийинчиликлар юзага келаётгани кўзга ташланди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир неча кишидан иборат ишчи гуруҳ доирасида ишлаб чиқилган қонунлар нафақат аҳоли, балки ҳуқуқни қўлловчиларнинг кўпчилиги учун ҳам тушунарсиз ва ҳатто номаълумлигича қолиб кетмоқда. Бундай қонун қоғозда қолиб, амалиётда деярли ишлатилмайди.

Учинчидан, хорижий мутахассислар ёрдамида ишлаб чиқилган қонуннинг баъзи жиҳатлари фақат шу хорижий мутахассисларгагина тушунарли, холос. Шунинг учун кези келганда айтиш жоизки, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун тили ва мазмуни жуда мураккаб ва маҳаллий аҳоли, ҳуқуқни қўлловчилар учун тушунарсиз. Бунинг асосий сабаби эса хорижий қолиплар асосида қабул қилинган қонуннинг маҳаллий шароит ва тилга малакали ўгирилмаганидир.

Бундан ташқари, хорижий давлатлар (мисол учун АҚШ, Япония ва Германия) қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий тартиб-таомилларнинг кўпгина қоидалари қонун қабул қилингунга қадар маъмурий ҳуқуқ назарияси ва тегишли суд амалиётида йиллар давомида шаклланиб борган. Шунга кўра, қонуннинг тегишли назарий асослар ва суд амалиёти билан боғлиқлиги, уларнинг бир-бирини тўлдириб бориши ниҳоятда кучли. Бироқ, юқорида таҳлил қилинган айрим МДХ давлатларида маъмурий тартиб-таомилларнинг назарий асослари ва суд амалиётида қўлланилиши борасида деярли ҳеч қандай ишланмалар мавжуд бўлмагани ҳолда тегишли қонунлар қабул қилинганини кўриш мумкин.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашларида совет маъмурий ҳуқуқининг таъсири сезилади. Суд амалиёти эса асосан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни борица татбиқ этишга асосланган бўлиб, маъмурий тартиб-таомиллар принципларини ўзида акс эттирмаганини кўриш мумкин. Бундай шароитда тегишли қонунларнинг хорижий давлатлар қонунларини айнан такрорлаш асосида қабул қилиниши ушбу қонунлар амалиётда кўпчилик томонидан қабул қилинмаслигига олиб келиши, уларнинг имплементациясида эса жиддий нуқсон ва камчиликлар юзага келишини кўрсатди.

Шунингдек, иккинчи тоифадаги давлатларда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларни парламентда қабул қилиш билан чекланилиб, энг асосий вазифа бўлмиш соҳавий қонунларни маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун қоидаларига мувофиқлаштириш вазифаси бажарилмаганини кўриш мумкин. Натижада маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун қоидалари ва соҳавий қонунлардаги маъмурий қарор мазмуни, процессуал муддатлар каби қоидалар ҳар хил ёки бир-бирига зид бўлиб қолган. Шу маънода, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг татбиқ этилиш доираси жуда чекланган. Шунинг учун ҳам таҳлил этилган давлатларда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун бугунга қадар нафақат амалиётда татбиқ этилмаяпти, балки кўпчиликка номаълумлигича қолиб келмоқда. Маъмурий органлар эса асосан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва соҳавий қонунлар асосида ишлашни давом эттиришяпти. Кўриниб турганидек, соҳавий қонунларни маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунга мувофиқлаштиригандан кейингина ижобий ўзгаришга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, иккинчи тоифага кирувчи давлатларда маъмурий тартиб-таомилларнинг назарий асослари деярли ривожланмаган. Назарий асослари нисбатан ривожланмаган шароитда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни қабул қилган МДХ давлатларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қонунлар ҳаддан ташқари батафсил бўлиб, ҳатто маъмурий ҳуқуқ назариясида ёритиладиган «маъмурий ҳужжат» тушунчаси каби кўпгина масалалар ҳам бевосита қонуннинг ўзида акс эттирилган.

Учинчи тоифага мансуб давлатларда (жумладан Россияда) маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида қонун қабул қилиниши кутилмаяпти. Бунинг асосий сабаби маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг бошқа ўхшаш қонун ҳужжатлари билан алмаштирилганидир. Бу борада Россияда давлат хизматлари кўрсатиш институти асосидаги маъмурий регламентлар ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш такомиллаштирилаётгани аниқланди. Қонунчилик жараёни шу даражага етганки, қонуности ҳужжатлар ва маъмурий регламентлар сони бир неча мингдан ошиб кетган. Шу боис Россияда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни қабул қилиш учун мана шу ҳажмдаги қонунчилик ҳужжатларини ўзгартириш ва қайта кўриш мақсадга мувофиқ деб топиладими, деган энг мураккаб савол юзага чиқмоқда.

Маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш ўрнига давлат хизматлари кўрсатилишини такомиллаштириш ўзига хос жиҳатларга эга. Бунда маъмурий органлар ва манфаатдор шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар

маъмурий тартиб-таомиллар қоидаларидагичалик юқори даражада тартибга солилмаган бўлади. Бундан ташқари, давлат хизматлари кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солишда асосий эътибор давлат органи фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилса, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини маъмурий суиистеъмолликдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатларини яратишга қаратилади.

МДХ давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қуйидаги *хулосаларга* келинди.

Аввало, асосий эътибор МТТҚонун давлат органларининг идоравий ички муносабатларини эмас, балки фақат манфаатдор шахс ва маъмурий органлар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни маъмурий тартиб-таомил қоидалари асосида тартибга солишга қаратилишини инобатга олиш лозим. Бу икки масаланинг битта қонунда акс этиши маъмурий тартиб-таомилларнинг мазмун-моҳиятини нотўғри акс эттиради.

Иккинчидан, қонунни қабул қилиш масаланинг бир томони бўлса, унинг ижроси ва амалиётда қўлланилиши, қолаверса, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалда таъминлашдаги ўрни масаланинг ўта муҳим бўлган бошқа жиҳатидир. Шунинг учун ҳам МТТҚонун амалда ишлаши учун зарур чора-тадбирлар, жумладан, бошқа қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўлловчиларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида улар учун тегишли тренинглар ташкил қилиш, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш чораларини кўриш лозим.

Учинчидан, маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий регламентлар асосида давлат хизматлари кўрсатишдан фарқлаш ва маъмурий тартиб-таомиллар қоидаларининг бирламчилигини сақлаб қолиш муҳим.

«Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш йўналишлари ва амалиётда қўллаш истиқболлари» деб номланган тўртинчи бобда маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принципларини қўллаш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари, маъмурий ҳужжатнинг тартибга солинишини такомиллаштириш, маъмурий шикоят ва судловни маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида маъмурий тартиб-таомиллар принципларини ва маъмурий ҳужжатга оид қоидаларни тўғри талқин этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари ҳамма давлатларда ҳам қонун даражасида белгиланмаган. Масалан, АҚШ, Япония ва Германия давлатларининг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларида маъмурий тартиб-таомиллар принципларига оид қоидалар йўқ. Чунки ушбу принциплар Конституция ва суд амалиётида ҳам мавжуд. Судлар ҳуқуқнинг умумий принциплари ва «ҳуқуқий давлат» тушунчасидан келиб чиқиб, суд амалиётида йиллар давомида шаклланган маълум бир принципларни

маъмурий тартиб-таомиллар орқали татбиқ этишади. Бу эса, ўз навбатида, судларга маъмурий ишларни кўришда қонунни талқин этиш бўйича кенг ваколатлар берилганидан келиб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқнинг назарий асосларини ҳар бир давлат ўзи ривожлантириши лозим деган илмий қараш негизида маъмурий тартиб-таомилларни Ўзбекистонда ҳам хорижий давлатлар «қолиплари» эмас, балки миллий қонунчилигимиз ва суд амалиёти асосида, ўз тилимизда шакллантиришимиз лозим, деган хулосага келинди.

МТТҚонун орқали ҳозирга қадар мамлакатимиз қонунчилигида кам учрайдиган бир қатор янги принциплар маъмурий амалиётга жорий этилмоқда. Буларга мисол қилиб мутаносиблик, ишончлилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш принципларини келтиришимиз мумкин. Мазкур принципларни тўғри тушуниш мақсадида улар маъмурий амалиёт мисолларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган.

Тадқиқот асосида мутаносиблик принципини татбиқ этишда қуйидаги тўрт жиҳатни инобатга олиш талаб этилиши аниқланди. *Аввало*, маъмурий ҳужжат қонуний мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. *Иккинчидан*, ушбу қонуний мақсад «яроқли» бўлиши, яъни амалга оширилаётган таъсир чораси орқали қонуний мақсадга эришиб бўладими ёки йўқми, деган саволга жавоб бериши керак. *Учинчидан*, маъмурий орган амалга ошираётган таъсир чораси «зарурий» («керакли») бўлиши даркор. Яъни амалга оширилаётган таъсир чорасининг А, Б, В каби вариантлари бўлгани ҳолда, ушбу таъсир чораларининг қай бири қонуний мақсадга эришишда энг самарали ва ишончли ҳисобланиши, асосийси, манфаатдор шахсга имкон қадар кам зарар етказишига эътибор берилиши керак. *Тўртинчидан*, олдини олиш кутилаётган хавф, зарар ёки эришилиши кутилаётган оммавий манфаат ҳамда таъсир чорасини қўллаш орқали манфаатдор шахсга етказиладиган зарар билан эришилиши кутилаётган хусусий манфаат таққосланиши ва шунга қараб иш тутиш талаб этилади. Мана шу тўрт жиҳатни эътиборга олган синовдан ижобий ўтган ҳоллардагина тегишли таъсир чорасини қўллаш тўғрисида маъмурий ҳужжат қабул қилинишини қонуний деб баҳолаш мумкинлиги Германия қонунчилигининг илғор тажрибаси асосида асослантириб берилди.

Маъмурий тартиб-таомилларда ишончнинг ҳимоя қилиниши принципига кўра, манфаатдор шахс виждонан ҳаракат қилган бўлса-ю, унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ёки маъмурий органнинг хатоси, айби билан ноқонуний маъмурий ҳужжат қабул қилинган бўлса, манфаатдор шахснинг маъмурий ҳужжат қонуний эканлигига ишончи қонун билан ҳимояланиши зарур. Бундай вазиятда ноқонуний маъмурий ҳужжат бўлгани ҳолда маъмурий орган ўз дискрецион ваколати асосида маъмурий ҳужжатни кучда қолдириши ёки бекор қилиб, манфаатдор шахсга адолатли компенсация тўлаб бериши лозим бўлади.

Маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципига кўра, дискрецион ваколатни амалга оширишда, албатта, қонун

ҳужжатларида белгиланган доирада ҳаракатланиш муҳим. Лекин дискрецион ваколатни тийиб турадиган, тартибга соладиган жиҳат шундаки, бундай ваколатни амалга оширишда қонунда кўзланган мақсадга ҳам қатъий риоя этиш талаб қилинади. Агар дискрецион ваколат қонунда белгиланганидан бошқа мақсадда қўлланиладиган бўлса, бу ҳол тегишли маъмурий ҳужжатнинг ноқонунийлигини келтириб чиқаради.

Дискрецион ваколат маълум бир вазиятда нотўғри талқин этилган, яъни маъмурий ихтиёрийлик мажбурият сифатида тушунилган ҳолатда ҳам ноқонунийлик келиб чиқади. Шунга кўра, маъмурий орган дискрецион ваколатдан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳар икки ҳолатда ҳам ушбу қарорини асослантириб бериши, бундай қарорга келишига сабаб бўлган барча баҳо, ваз ва мулоҳазаларни баён этиши шарт бўлади. Тадқиқотда дискрецион ваколатни қўллашнинг ноқонунийлиги ҳуқуқий ёки ҳақиқий (фактик) асосларни нотўғри татбиқ этиш натижасида ҳам юзага келиши мумкинлиги таъкидланди.

Диссертацияда маъмурий ҳужжатнинг ҳуқуқий тавсифи, унинг ҳақиқийлигига оид Германия қонунчилиги илғор тажрибаси асосида тегишли таклифлар ҳам берилган.

Амалга оширилган таҳлиллардан маъмурий ҳужжатнинг қуйидаги бешта асосий белгиси мавжудлиги келиб чиқди: 1) маъмурий ҳужжатнинг маъмурий орган томонидан қабул қилиниши; 2) ташқи субъектларга йўналтирилганлиги; 3) ҳокимият ваколоти асосида қабул қилиниши; 4) ҳуқуқий оқибат юзага келтириши, 5) аниқлиги (индивидуаллиги). Шунга кўра, маъмурий ҳужжат деганда маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) хусусиятга эга бўлган ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини тушуниш мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий органлар устидан судга ариза ва шикоят берилганида, аввало низолашилаётган масала юзасидан маъмурий органнинг ички бўйсунувида бўлмаган манфаатдор шахсга (ташқи субъектларга) йўналтирилган, ҳокимият ваколоти асосида қабул қилинган, қарор йўналтирилган шахс (адресат) учун маълум бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи индивидуал ҳужжатнинг бор-йўқлигига эътибор қаратилиши лозим. Агар ишда маъмурий ҳужжат мавжуд бўлса, аввало ушбу ҳужжатнинг қонуний кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, шу ҳужжат юзасидан низолашиш лозим бўлади. Бундай ҳолда маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун асос бўлган турли маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни эмас, балки маъмурий органнинг ташқи субъект, яъни манфаатдор шахсга йўналтирилган ҳужжати (қарори) юзасидан низолашиш мумкин. Тадқиқотда ушбу қоидага амал қилмаслик низонинг нотўғри расмийлаштирилиши ва иш юритишнинг тугатилишига асос бўлиши асослантириб берилди.

Диссертант маъмурий шикоят ва маъмурий судловга оид процессуал қоидаларни маъмурий тартиб-таомиллар қоидаларига мувофиқлаштириш юзасидан ҳам таклифлар ишлаб чиққан.

Маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий судлов ишларини юритишнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагиларда кўринади. Маъмурий судлар маъмурий иш юритувда, *аввало*, маъмурий тартиб-таомиллар принципларига; *иккинчидан*, маъмурий иш юритишнинг бошланиши, холисликни таъминлашга оид қоидалар,

аризани кўриб чиқиш муддатлари ҳамда манфаатдор шахслар ҳуқуқларига; *учинчидан*, маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ва тиклаш билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этилганлигини текширади. Маъмурий суд томонидан текшириладиган муҳим масалалардан яна бири маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, асослантириш ва маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқийлигига оид маъмурий тартиб-таомиллар қоидалари ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг маъмурий судлов ишларини юритиш тўғрисидаги қонунларида маъмурий ҳужжат юзасидан манфаатдор шахс шикоят ёки ариза билан мурожаат қилмоқчи бўлганида аввал юқори турувчи ёки тегишли махсус ваколатли маъмурий органга мурожаат этиши тартиби мавжудлигини кўриш мумкин. Яъни, қонун ҳужжатларида манфаатдор шахс маъмурий орган томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатдан норози бўлган тақдирда тўғридан-тўғри судга эмас, балки аввал маъмурий тартибда юқори турувчи органга шикоят қилиши мажбурий талаб сифатида белгиланган.

Бирок, МДХ давлатлари қонун ҳужжатларида бундай талабнинг йўқлигига асосий сабаблар маъмурий органлар томонидан маъмурий шикоятларни очиқ, шаффоф ва тушунарли тарзда кўриб чиқишни таъминлайдиган алоҳида қоидалар йўқлиги, фуқароларда ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши борасида маъмурий органларга етарли ишонч мавжуд эмаслиги каби омиллар эканлиги кўрсатилди. Мисол учун, АҚШда маъмурий тартиб-таомилларга катта эътибор берилишининг сабабларидан бири оммавий-ҳуқуқий низолар юзасидан суд ишлари маъмурий тартиб-таомиллар натижасида тузилган ҳисобот (баённома)ларнинг қонунийлигини кўриб чиқиш асосида олиб борилиши билан боғлиқ. Маъмурий тартибдаги шикоятнинг мажбурийлиги, аввало, юқори турувчи органлар ўзларининг қўйи турувчи органларининг қарорларини мониторинг қилиб туриши ҳамда асосиз қабул қилинган қарорларини тузатиши мумкинлиги билан ижобий саналади.

Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда маъмурий тартибда судгача шикоят қилиш мажбурий тартибининг ўрнатилиши кўпгина ижобий жиҳатларга эга. Энг асосийси, бу тартиб маъмурий ҳужжатни мақсадга мувофиқлиги ва тўғрилиги юзасидан қайта кўриш ва баҳолашга имкон беради. Шунга кўра, маъмурий тартибда судгача шикоят қилишни мажбурий тартиб сифатида ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Аввало, маъмурий тартиб-таомил қоидалари асосида, яъни тегишли тартибда хабардор қилинган, фикр-мулоҳазалари тингланган ва бошқа тартиб-таомил кафолатлари тақдим этилиши натижасида қабул қилинган маъмурий ҳужжат юзасидан маъмурий тартибда (қарор қабул қилиш ёки юқори турувчи маъмурий органга шикоят қилиш тартибида) ёхуд маъмурий судга шикоят қилишда маъмурий орган янги далиллар, асослар келтира олмайди. У ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатнинг қонунийлигини иш кўриш босқичида бор ҳужжатлар ва маълумотлар асосида текширади. Худди шу талаб манфаатдор шахсларга ҳам қўйилган ҳолатларни кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, маъмурий орган ҳам, манфаатдор шахс ҳам шикоят босқичида иш юзасидан янги далил, ваз ва асослар келтира олмаслигини олдиндан билса, ўзида мавжуд барча далил ва ҳужжатларни дастлабки маъмурий ҳужжатни қабул қилиш босқичи (жараёни)да тақдим этишга ҳаракат қилади (шунда дастлабки маъмурий ҳужжатни қабул қилишга қаратилган маъмурий тартиб-таомиллар

қоидаларига эътибор билан қаралади), акс ҳолда ҳали имконим бор деб, шикоят босқичига қадар ўзидаги важ, маълумот, далилларни ошкор этмасликка ҳаракат қилади. Бу эса жараённинг асоссиз чўзилиши ҳамда куч ва вақт беҳуда сарфланишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маъмурий судда ишларни кўришда дастлабки маъмурий ҳужжат қабул қилиниши жараёнида тақдим этилган далил, важ ва асослар доирасида маъмурий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш юзасидан тегишли қоидалар киритиш таклиф этилди.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий *хулосалар*, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган *тавсиялар* ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир *таклифлар* илгари сурилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Маъмурий тартиб-таомилларни умумий маъмурий ҳуқуқ доирасида маъмурий-процессуал ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида ўрганиш таклиф этилди.

2. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақат манфаатдор шахс ва маъмурий органлар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Маъмурий тартиб-таомиллар давлат органларининг идоравий ички муносабатларини тартибга солишга қаратилмаган. Шунга кўра, маъмурий тартиб-таомилларни давлат хизматлари кўрсатиш асосидаги маъмурий регламентлардан фарқлаш муҳим.

3. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида маъмурий тартиб-таомилларга қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: *маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан қонун нормаларига мувофиқ келиб чиқадиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга соладиган (регулятив) процессуал қоидалардир.*

4. Маъмурий ҳужжат деганда маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) хусусиятга эга бўлган ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини қўлловчи ҳужжат тушунилади.

5. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, МТТтҚонунда келтириб ўтилган «номувофиқ маъмурий ҳужжат» ўрнига «исталмаган маъмурий ҳужжат» атамасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларига мос келиши кўрсатиб берилди.

6. Маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқий эмаслиги маъмурий органнинг очикдан-очик ўз ваколатидан ташқарига чиқиб кетиши, тегишли ваколатга эга бўлмаган ҳолда маъмурий ҳужжат қабул қилиниши ёки маъмурий ҳужжатнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этиш мазмунига эга бўлиши каби маъмурий ҳужжатда қонун

талабларини очик-ойдин ва жуда кўпол тарзда бузиши орқали унинг ноқонунийлиги аён бўлиб турган ҳоллардагина юзага келади. Шунинг учун ҳам бундай маъмурий ҳужжат ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши кераклиги исботланди.

7. Қонуний чиқарилган маъмурий ҳужжат қарор йўналтирилган шахс (адресат)га етказилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг қандайдир сабаб ва асосларга кўра бекор қилиниши маъмурий ҳужжатни чақириб олиш деб номланади. Ҳуқуққа зид маъмурий ҳужжат шахсга етказилган ва қонуний кучга кирганидан сўнг уни ноқонунийлиги сабабидан бекор қилиш маъмурий ҳуқуқда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш деб номланиши асослантириб берилди.

8. Манфаатдор шахснинг айби бўлмагани ҳолда қонунга зид тарзда қабул қилинган маъмурий ҳужжатни бекор қилишда (маъмурий ҳужжатни бекор қилиш оқибатида манфаатдор шахснинг маъмурий ҳужжатга бўлган қонуний ишончи асосида унга маълум бир зарар келиб чиққан ҳолларда) маъмурий орган мутаносиблик ва ишончнинг ҳимоя қилиниши принциплари асосида: а) зарарни қоплаб бериши ёки б) маъмурий ҳужжатни бекор қилиш натижасида манфаатдор шахс кўрадиган зарар жамият манфаатларига етказиладиган зарардан ошиб кетган тақдирда (жамият манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллардан ташқари), унинг ишончини ҳимоя қилиши мумкинлиги асослантириб берилди.

9. Маъмурий ҳужжатнинг ноқонунийлиги манфаатдор шахснинг айби билан юзага келган ҳолларда унинг ишончини ҳимоя қилиш талаб этилмаслиги ва маъмурий ҳужжат маъмурий орган томонидан бекор қилиниши мумкинлиги асослантирилди.

10. Қонунга мувофиқ қабул қилинган маъмурий ҳужжат маъмурий орган ёки манфаатдор шахснинг айби бўлмагани ҳолда, қонун ёки вазият ўзгариши каби сабабларга кўра унинг ноқонунийлиги ёки жамият манфаатларига зарар (таҳдид) юзага келтирган тақдирда маъмурий орган мутаносиблик ва ишончнинг ҳимоя қилиниши принциплари асосида: а) зарарни қоплаб бериш шarti билан маъмурий ҳужжатни бекор қилиши ёки б) манфаатдор шахс кўрадиган зарар жамият манфаатларига етказиладиган зарардан ошиб кетадиган бўлса, (жамият манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллардан ташқари) унинг ишончини ҳимоя қилиши мумкинлиги асослантириб берилди.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

1. МТТтҚонуннинг 13-моддаси учинчи қисмини, яъни *«агар амалга оширилган маъмурий тартиб-таомил маъносига кўра бошқа маъмурий тартиб-таомилларни ўз ичига олса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар ҳам амалга оширилган деб ҳисобланади»* деган қоида, турли нотўғри талқинларнинг олдини олиш мақсадида, чиқариб ташлаш таклиф этилди.

2. МТТтҚонуннинг 52-моддасида маъмурий ҳужжатнинг оғзаки, электрон ва бошқа шакллари тўғрисида тегишли қоидаларни киритиб қўйиш ва қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди: *«Маъмурий ҳужжат ёзма, электрон ва бошқа шаклларда қабул қилиниши мумкин. Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжат бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари*

назарда тутилиши мумкин. **Электрон ва бошқа шаклларда қабул қилинган маъмурий ҳужжат манфаатдор шахс талаби билан ёзма шаклда тақдим этилиши мумкин. Ёзма маъмурий ҳужжат маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиал орган аъзолари томонидан имзоланади ва маъмурий органнинг муҳри билан тасдиқланади.**

3. МТТтҚонунда иш манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда амалга оширилаётган бўлса, уни мажлисда кўриб чиқиш талаби қўйилган. Лекин бу тўлақонли тинглаш жараёнини ақс этгирмайди. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда тинглаш жараёнини қонунда алоҳида боб сифатида тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу бобда тинглаш жараёни қайси ҳолларда ўтказилиши, шартлари, жараёни ва маъмурий орган қарорига таъсири тўғрисида батафсил қоидалар белгилаш таклиф этилди.

4. МТТтҚонунда маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқийлигига оид бир қанча нормаларни, жумладан: **маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучи ва ҳақиқийлиги (55¹-модда); маъмурий ҳужжатнинг ҳақиқий эмаслиги (59¹-модда); тартиб-таомилдаги ва шаклий (формал) хатоларнинг оқибатлари (59²-модда); гайриқонуний маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши (59³-модда); қонуний маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши (59⁴-модда); маъмурий ҳужжатнинг алоҳида қисмини (қисман) бекор қилиши ёки ҳақиқий эмаслиги (59⁵-модда); манфаатдор шахс ташаббуси билан маъмурий тартиб-таомилларни қайта ўтказиши (59⁶-модда)** нормаларини киритиш лозимлиги асослангириб берилди.

5. Маъмурий шикоят ва судловни маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш лозимлиги асослангириб берилди. Жумладан, маъмурий тартибда судгача шикоят қилишни мажбурий тартиб сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 1-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

«Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. **Маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг бажарилиши текиширилади.** Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади».

6. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-моддасини (Исботлаш мажбурияти) қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилди: **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ тарзда манфаатдор шахсга иш юзасидан ўз фикр ва вазларини баён этиш, қўшимча далиллар тақдим этишга имкон берилган ҳолда тинглаш жараёни доирасида чиқарилган маъмурий ҳужжатга нисбатан ишда иштирок этувчи шахслар фақат дастлабки маъмурий ҳужжатни қабул қилишда маъмурий орган томонидан ўрганилган далилларга асосланишга ҳақли».**

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

1. Барча олий юридик таълим муассасаларида «Маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари» ўқув курсини киритиш, ҳуқуқий амалиётда фаолият юритаётган мутахассислар учун махсус ўқув курслари ташкил этиш таклиф этилди.

2. МТТҚонун амалда ишлаши учун зарур чора-тадбирлар, жумладан, қонуннинг ижросини мониторинг қилиб бориш, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қонунга мувофиқлаштириш, шунингдек ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг бу борадаги кўникмаларини ошириш мақсадида тегишли тренингларни доимий равишда ўтказиш лозимлиги асослантириб берилди.

3. Маъмурий ҳужжатни аниқлашда унинг шаклига эмас, балки унга хос белгиларга эътибор қаратиш лозимлиги асослантириб берилди. Шунга кўра, маъмурий ҳужжатга оид процессуал қоидаларни қўллашда баённома, хат, оғзаки кўрсатма ва бошқа турли шаклларда ифодаланадиган ҳокимият таъсир чораларини ҳам маъмурий ҳужжат сифатида тушуниш лозимлиги асослантириб берилди.

4. Мутаносиблик принципини амалда татбиқ этишда куйидаги тўрт жиҳатни инобатга олиш таклиф этилди. Биринчидан, маъмурий ҳужжат қонуний (легитим) мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлиши; иккинчидан, ушбу қонуний (легитим) мақсад «яроқли» бўлиши; учинчидан, маъмурий орган амалга ошираётган таъсир чораси «зарурий» («керакли») бўлиши; тўртинчидан, олдини олиш кутилаётган хавф, зарар ёки эришилиши кутилаётган оммавий манфаат ҳамда таъсир чорасини қўллаш орқали манфаатдор шахсга етказиладиган зарар, эришилиши кутилаётган хусусий манфаат таққосланиши лозим бўлади ва шунга қараб ҳаракатланиш талаб этилади. Мана шу тўрт жиҳатни эътиборга олган ҳолда чиқарилган маъмурий ҳужжатни қонуний деб баҳолаш мумкинлиги асослантириб берилди.

5. Ишончнинг ҳимоя қилиниши принципига кўра, манфаатдор шахс виждонан ҳаракат қилган ҳолларда унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ёки маъмурий органнинг хатоси, айби билан ноқонуний маъмурий ҳужжат қабул қилинадиган бўлса, манфаатдор шахснинг маъмурий ҳужжатнинг қонуний эканлигига ишончи қонун билан ҳимояланади. Ушбу ҳолларда ноқонуний маъмурий ҳужжат бўлгани ҳолда маъмурий орган ўз дискрецион ваколати асосида маъмурий ҳужжатни кучда қолдириши ёки бекор қилиб, манфаатдор шахсга адолатли компенсация тўлаб бериши лозимлиги асослантириб берилди.

6. Маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципига кўра, дискрецион ваколатнинг қонунда белгиланганидан бошқа мақсадда қўлланилиши, маъмурий ихтиёрийликни мажбурият сифатида тушуниш, ҳуқуқий ёки ҳақиқий (фактик) асосларни нотўғри татбиқ этиш натижасида мазкур принципнинг бузилиши келиб чиқиши мумкинлиги асослантириб берилди.

7. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий органларга нисбатан судга ариза ва шикоят қилинганида, аввало низолашилаётган масала юзасидан маъмурий ҳужжатнинг бор ёки йўқлигига эътибор қаратилиши лозим. Агар ишда маъмурий ҳужжат мавжуд бўлса, аввало ушбу ҳужжатнинг қонуний кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, шу ҳужжат юзасидан низолашиш лозим бўлади. Мазкур қоидага амал қилмаслик низонинг нотўғри расмийлаштирилиши ва иш юритишни тугатишга асос бўлиши исботлаб берилди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Yu.23.01 AT THE ACADEMY OF PUBLIC
ADMINISTRATION UNDER THE PRESIDENT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**ACADEMY OF PUBLIC ADMINISTRATION UNDER THE PRESIDENT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

NEMATOV JURABEK NEMATILLOYEVICH

**DEVELOPMENT OF LEGAL BASES OF THE ADMINISTRATIVE
PROCEDURES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
(COMPARATIVE-LEGAL ANALYSES)**

12.00.02 – Constitutional law. Administrative law. Finance and customs law

ABSTRACT
of the dissertation of the doctor of sciences (DSc) on sciences in law

Tashkent – 2019

The theme of the dissertation of the Doctor of Science (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number B2018.4. DSc/Yu53.

The dissertation was prepared at the The Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation was posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume) on the website of the Scientific Council (<http://dba.uz/uz/avtoreferatlar/>) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific consultant:

Husanov Ozod Tillabayevich
Doctor of Science in Law, Professor

Official opponents:

Otakhonov Foziljon Haydarovich
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Ziyodullayev Muzaffar Ziyodullayevich
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Berdiyarov Shukhrat Namazbayevich
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Leading Agency:

Research Institute of Legal Policy under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held on September «13» 2019 at 12:00 at the session of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Yu.23.01 at The Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan. (Address: 100003, Islam Karimov street, 45. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 232-60-80; fax: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Centre of The Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan (registered No. 40), (Address: 100003, Islam Karimov street, 45. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 232-60-80).

Abstract of the dissertation was submitted on «22» August 2019.

(Registry protocol № 22 of «22» August 2019).

F.H. Rakhimov

Vice-Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

D.A. Karimov

Scientific Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law

I.T. Tulteev

Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

INTRODUCTION (abstract of doctoral (DSc) dissertation)

The importance and relevance of the dissertation theme. In the world, the contentious issues in contemporary governance relating to establishing effective and rational administrative mechanisms and advancing an administrative procedure system that serves to facilitate a hearing of interested persons have been an important subject matter. The fact that the administrative procedures in countries such as the EU states, US and Japan help bolster the citizen participation in public affairs, reinforce democratization of governance in terms of accountability and transparency attach more importance to its existence. Such well-established practices give once more credence to the administrative procedure in a broad sense leading institute of administrative-process law as a mechanism that serves to establish effective communication between state bodies and the interested persons.

In the world, many rules of administrative procedures are regarded as a way to participate in decision-making and transparency, as well as a wise way to achieve the most appropriate governmental decisions, and as an order of accomplishing the due process. Therefore, following research inquiries are very significant today: expanding the scope of administrative procedures, improving the implementation of the principles of this procedure, hearing the person in the broader sense, and reaching to a clear decision through the legitimacy of the procedures, improving the legal framework of administrative procedures such as the establishment of administrative and legal regulation by all participants of the administrative procedures.

Particular attention is being paid to the introduction of modern public administration in our country, based on the idea of improving the legal framework of public administration, including on the Strategy of Action based on the idea that "public authorities should serve the people, not the people should serve the public authorities"⁴. Accordingly, there are some unresolved problems in this area, such as the adoption of decisions without listening to the opinions of interested persons, the lack of adequate attention to their legal and actual (factual) grounds, the absence of unified procedures of revocation, changing, annulment of decisions, delay of decision-making by various reasons, and unjustified decisions are still underway. The inadequate development of the material and procedural frameworks of the activities of public administration bodies as a result affecting the insufficient provision of rights and freedoms and legitimate interests of individuals and legal entities and other similar shortcomings require scientific research to improve the legal basis of administrative procedures.

The current dissertation intends to find solutions to the aforementioned problems, while at the same time, facilitate the proper execution of the following laws, decrees and other legal documents: Laws of the Republic of Uzbekistan "On Administrative Procedures" (2018), "On Fighting against Corruption" (2017), "On appeals of physical and legal entities" (2017), the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for Action in the Five Priorities of Development of the Republic of

⁴ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Approval of the Concept of Administrative Reforms in the Republic of Uzbekistan" dated September 8, 2017 // The legislation materials of the Republic of Uzbekistan. - 2017. - No. 37 - Article 979.

Uzbekistan in 2017-2021" (2017), "On Approval of the Concept of Administrative Reforms in the Republic of Uzbekistan" (2017).

The relevancy of the research to the main priorities of science and technology development in the Republic. The current research has been conducted under the first priority area of science and technology in the Republic of Uzbekistan: "Spiritual, moral and cultural development of democratic and legal society and formation of the innovative economy".

Literature review of international scientific researches on dissertation topic⁵. The researches dedicated to analyzing the theoretical and legal basis of the administrative procedures have been conducted in the famous universities and institutions, namely Stanford, Harvard Law School, Yale Law School, Columbia Law School (USA), Oxford, London (UK), Spayer Verwaltungsrechts Universitat (Germany), Nagoya University, Tokyo University, Kyoto University, Ryukoku University (Japan), Voronezh State University, Moscow State University (Russia), the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, the University of World Economy and Diplomacy, Tashkent State University of Law, the Academy of the Ministry of Internal affairs, the Academy of the General Prosecutor's Office (Uzbekistan).

The following scientific findings have been observed as a result of the ongoing research on advancing the institutional foundation of administrative procedures through a theoretical and legal means: the study regarding three historic phases of administrative procedures and analysis of the development of administrative procedure in each individual country (Yale Law School), the scientific proved development of procedures of validity and revocation of administrative acts (Spayer Verwaltungsrechts Universitat), the theoretical and legal analysis of rules regarding review standards and development of participation of third parties in hearing of administrative procedure (Nagoya University, Tokyo University, Kyoto University, Ryukoku University), the necessity of adopting a law on administrative procedures and how the law should be (Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, University of World Economy and Diplomacy, Tashkent State University of Law, the Academy of the Ministry of Internal affairs, the Academy of the General Prosecutor's Office).

Several studies have been conducted to further improve the legal framework for administrative procedures in the world, including the third generation based on participation and collaboration, expanding the scope of principles of administrative procedures in administrative cases, strengthening the hearing process in the adoption of administrative acts. Also, scientific research is underway in the priority direction, such as improving the rules of administrative procedures in protection of trust and proportionality in the revocation of the administrative acts.

The scope of inquiry on the research topic. There is a profusion of extant research on the administrative procedures as the main institute of administrative law in the developed countries. There is an abundance of existing literature on the meaning of the law on administrative procedure, principles, steps and main rules deeply researched

⁵ Review of foreign scientific research on dissertation topic was taken from: <https://law.yale.edu>; <http://www.foev-speyer.de>; <https://www.law.nagoya-u.ac.jp>; <https://munkschool.utoronto.ca>; <http://www.law.vsu.ru>; <http://dba.uz>; <https://tsul.uz>.

in countries like US, Germany, and Japan as well as other CIS countries. For instance, in USA, emergence, necessity and main elements of administrative procedures, due process succinctly stated by numerous scholars, including H.N.Fenton, O.R.McGuire, J.Ponce, C.McFarland, G.H.Montague, F.H.Sherwood, F.Heady, A.T.Vanderbilt, K.E.Kovacs, L.S.Bressman, C.J.Peck, J.D.Bond, B.Schwartz, R.L.Corrada, J.R.Brown, W.F.Funk, R.H.Seamon, E.Gellhorn, R.M.Levin, A.D.Jergesen endeavored to examine the historic inception and substance of administrative procedures in the USA.

The main provisions of the Law on Administrative Procedures in Japan, the reasons why such a law has not been adopted for a long time, and the hearing process of administrative cases have been examined by scholarly works of following scholars, such as H.Shiono, K.Uga, K.Ichihashi, T.Sowa, H.Yamada, T.Watari, J.Ohnesorge.

E.Schmidt-Aßmann, J.Ziekow, H.Dorig, R.Zimmermann, L.Brocker, J.Pudelka wrote extensively and expressed their views on the origin and emergence of administrative law and its characteristics, administrative act and its validity in Germany.

In addition to the abovementioned literature, two prominent scholars, G.A.Bermann and J.Barnes, contributed to the field regarding the general principles of administrative procedures in EU and the three generations of administrative procedures, their classification, and major differences respectively.

